



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№9 (91) 27.02.2020 йил

Бухоро – 2020 йилда Ислам олами маданияти пойтахти

Алломаларимиз зақосидан таралган нур



Бу ёруғ оламда ҳар ким ўз ўтмиши, авлод-аждодлари билан фахрланиб яшашни истади.

Шукри, биз шундай бахтта мушарраф этилганларданмиз. Бахтимиз шулки, диний-дунёвий илмлар асосини яратиб кетган, асрлар оша ўткир зақоси, бебаҳо ижодий мероси билан биз авлодларга “лаббай” деб рағбат бериб турувчи аждодларимиз бор. Дунёга шундай улуг зотларни етказиб берган, аҳли донишлар тилида “Бухорои шариф” дея улугланган кўҳна Бухоронинг “2020 йилда Ислам олами маданияти пойтахти” деган номга муносиб кўрилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Баҳроуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий ва Абдуҳолик Гиждувоний каби алломаларимиз зақовати дунёни забт этган дея ифтихор этишга ҳақлимиз. Ҳозирги кунда Ислам олами эътиборида турган ушбу кўҳна заминда муборак йил муносабати билан апрель ойида (АЙСЕКСО) Ислам таълим, фан ва маданият

ташкилоти, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислам цивилизацияси маркази ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан “Ислам дунёси маданий меросида Ўзбекистоннинг ўрни” мавзусида халқаро конференция ва кўргазма, “Ўзбекистон – Ислам цивилизацияси маркази” мавзусида халқаро илмий-амалий форум, “Имом Бухорийнинг ҳадис илми ривожига кўшган ҳиссаси” мавзусидаги илмий конференция, Абдуҳолик Гиждувоний таваллудининг 915 йиллиги ва Баҳроуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги бағишланган илмий-амалий анжуман ва турли маданий тадбирлар ташкил этилиши, уларда 60 та мамлакатдан 300 дан зиёд меҳмонлар келиши кутилмоқда. Жумладан, мазкур анжуманларда Ислам ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар маданият вазирлари, ЮНЕСКО, АЙСЕКСО, ИРСИКА каби халқаро ташкилотлар ва-

киллари, тарихшуно, диншуно олимлар, илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари иштирок этади.

Ушбу нуфузли анжуманларга тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон Маданият вазири Озодбек Назарбеков АЙСЕКСО делегацияси аъзолари: Рихмати Салих Нажиб (АЙСЕКСО Бош директори ўринбосари Маданият йўналиши бошлиги), Бенарафа Абдел Иллаҳ (директор маслаҳатчиси), Чебби Билал (маданият дастури мутахассислари) билан суҳбатлашар экан, Бухорога “Ислам олами маданияти пойтахти” деган ном бежиз берилгани, аслида Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ислом тараққиётига хизмати сингган аждодларимиз борлигидан фахрланишини таъкидлади. Ва бундай муҳим аҳамиятга эга тадбирларда АЙСЕКСО билан ҳамкорлик қилишдан манун эканини айтди.

Давоми 4-саҳифада

Ушбу сонда

Сеңи куйлайман ҳаёт



2-саҳифада

“Муқимий” ибратхонаси



5-саҳифада

Ота-она илмсиз бўлса...



6-саҳифада

Маданият вазирлигида



Виртуал музей – қулай лойиҳа

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида “Smart Chain” МЧЖ вакиллари томонидан виртуал музей лойиҳаси тақдими ўтказилди. Унда маданият вазири Озодбек Назарбеков иштирок этди.

Оддий музейларда экспонат билан тўлиқ танишиш имконияти деярли йўқ эди, аммо эндиликда электрон тармоқда экспонатларни ҳар тарафлама кўриш ва улар ҳақида батафсил маълумот берувчи дастурлар мавжуд. Виртуал

музейларнинг афзаллиги шундаки, исталган тилда хизмат кўрсата олади. Бу эса миллий маданий меросимизни кенг жамоатчиликка танитиш қулайлигини яратади. Онлайн музей порталида дунё санъати дурдоналари тўпланган бўлиб, фойдаланувчилар исталган вақтда ташриф бузуриши, МДХ мамлакатларидаги тарихий жойлар ва галереяларга виртуал саёҳат уюштириши мумкин.

Тадқиқот давомида таъкидланишича, ҳозирги кунда виртуал

музейлар миллий маданий ютуқларимизнинг ёрқин тимсоли ҳисобланмоқда. Сизни қизиқтирган экспонат бўйича маълумотни олиш учун уни рўйхатдан танлаш ва уйдан чиқмаган ҳолда маълумотга эга бўласиз.

Виртуал музей экспозициялари, виртуал панорама орқали намойиш қилинади.

Ушбу панорамага 3D, айланма ҳамда 360 даражали фотопанорамалар кирди. Улар орқали виртуал

саёҳат амалга оширилади.

Эътиборлиси, виртуал саёҳат 3D панорамаси сингари анимацион объектларни ҳам томоша қилиш, овозли эшитиш ва мультимедиа элементларини ўз ичига олади. Виртуал саёҳатларни турли мавзу ва йўналишларда, сиз истаган тилда ташкил қилиш мумкин.

Маданият вазири Озодбек Назарбеков ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлашини таъкидлар экан, ўз эътирозларини ҳам яширмади: “Миллий махсулотимиз санал-

ган лали, патнос ва шунга ўхшаш экспонатлар номларини талаффуз қилишда кўпгина хатоликлар бор. Шундай экан, уларнинг ўзбек тилида тўғри, аниқ ва чиройли талаффуз қилинишига эътибор қаратишимиз лозим. Фақатгина музейлар билан чегараланиб қолмасдан, маданият соҳасининг бошқа тармоқларида ҳам шундай янгиликлар яратиш керак. Биз лойиҳани қўллаб-қувватлаймиз ва ҳамкорлик қилишга доим тайёрмиз”.

Донорлар сузалайди... ! Сиеъатчилар ва актёрлар ҳеч қачон ўз вақтида кетишмайди. (Фрэнк Хаббард) Ўз ватанини севмаган, ҳеч кимни сева олмайди. (Байрон) Билмаган нарсангни сева олмайсан. (Достоевский) Сиз сиеъат билан шугулланмасангиз ҳам, сиеъат сиз билан шугулланади. (Монталамбер)

» Кутлов!

Хореография академияси талабаси халқаро танлов ғолиби



13 – 18 февраль кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро “TANZOLYMP 2020 Internationales TanzFestival” танловида Ўзбекистон давлат хореография академиясининг “Касбий таълим” йўналиши 3-босқич талабаси Достон Турғунов иштирок этиб, нуфузли 3-ўринни қўлга киритди.
– *Ушбу танловда Америка Қўшма Штатлари, Куба, Австралия,*

Швейцария, Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидан иштирокчилар қатнашиб, ўз маҳоратларини кўрсатишди. Яъни балет, замонавий рақс йўналишларида жами 895 нафар маҳорат эгалари иштирок этишди – дейди Достон Турғунов.
Мазкур танловда Д.Турғунов “Корсар” ҳамда “Эсмеральда” балет спектаклидан вариациялар ижро этди.

Маълумот ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, 1-ўрин Швейцария, 2-ўрин Туркия, 3-ўрин ўзбекистонлик ёш, иқтидорли балет ижрочисига nasib этди.

Достон Турғуновга омад ва улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Равшан ХУРРАМОВ,
Ўзбекистон давлат хореография академияси матбуот хизмати котиби

» Маданият вазирлигида

“Хива – 2020 йилда

туркий дунё маданияти пойтахти”



Ўтмиши улуг, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг дунё эътиборига тушган бебаҳо моддий-маданий мероси, қадимий шаҳарлари шу кунларда чет эллик сайёҳлар билан тобора гавжумлашиб бормоқда. 2020 йилда Бухорои шарифи “Ислоом олами маданияти пойтахти”, Хивани эса “Туркий дунё маданияти пойтахти” дея эътироф этилгани халқимизга фахру гурур бағишлайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон маданият вазири Озодбек Назарбеков ТУРКСОЙ – Туркий дунё маданияти ташкилоти Бош котиби Дуйсен Касеинов ва ташкилот мутахассиси Арман Нурмухамматули билан учрашди.

30 март – 1 апрель кунлари “Хива – 2020 йилда туркий дунё маданияти пойтахти” йили муносабати билан ўтказиладиган анжуманга пухта тайёргарлик кўриш ва уни оқори савияда ташкиллаштириш мақсадида ўтказилган суҳбат самимий, дўстона руҳда кечди. Суҳбат давомида меҳмонлар қадимий шаҳар Хиванинг гўзаллиги ва сирлилигини эътироф этишар экан, ушбу нуфузли анжуманнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдиришига эришиш кераклиги таъкидланди.

Маросим Хиванинг “Ичан-қалъа” музей-қўриқхонаси ва Нуриллабой саройи мажмуасида ўтказилиши режалаштирилган. Унда Ўзбекистон ва хорижий санъаткорлар иштирокида концерт дастури, театрлаштирилган сахна кўринишлари, ўзбек миллий, шунингдек, ТУРКСОЙга аъзо давлатлар куй-қўшиқлари ижро этилади. Шунингдек, мажмуада Ўзбекистон маданияти ва санъати, тарихий обидалари ҳақидаги виртуал кўргазма ташкил этилади.

“Ониқ осмон остидаги музей шаҳар Хиванинг ноёблиги, гўзаллигини жаҳон аҳлига фахр ва гурур билан намойиш этсак арзийди – деди Дуйсен Касеинов. – Бу Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини белгилайдиган яна бир жиҳатдир”.



Ўз навбатида Озодбек Назарбеков “Бу имкониятдан фойдаланиб, тadbирларни кенг ёритиш учун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимлари ва чет эллик журналистлари ҳам жалб этиш керак”, – деди.

Ташкилот раҳбарлари бу таклифни маъқуллаб, “Тadbирларни ёритган энг яхши журналист” номинацияси бўйича ТУРКСОЙ мукофотлари берилишини ҳам маълум қилишди.

Тadbирда иштирок этиш учун ЮНЕСКО, АЙСЕКО, МДХ, ШХТ каби халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, илмий-тадқиқот марказлари раҳбарларининг ташрифи кутилмоқда. Шу билан бирга меҳмонлар фольклор, халқ ижодиёти намуналари ва миллий хунармандчилигимиз ҳамда миллий таомлардан баҳраманд бўлишди.

Ўзаро самимий мулоқотдан сўнг томонлар ўз эсдалик совғаларини тақдим этишди.

С.Рихсиева

» Кадр абади

Халқимизнинг икки забардаст фарзанди – Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ўзбек адабиёти ва маданиятининг юксалишига улкан ҳисса қўшган, эл қалбидан чуқур ўрин олган ўз даврининг етук шоирларидан эди.



Сени куйлайман, ҳаёт!

**Яшаш азиз ҳисси танда кезганда,
Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда,
Ҳатто ўзни ҳаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда,
Сени куйлайман, ҳаёт!**

Ўзбек халқининг атоқли шоири Ҳамид Олимжон жуда қисқа, лекин мазмунли ҳаёт кечирди. У 20 йиллик ижодий фаолияти давомида халқимизни, ватанини севишга, қаҳрамонликка, садоқату жасоратга ундовчи кўпгина асарлар яратди. Адибнинг ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки қардош ҳамдўстлик давлатларида ҳам ҳануз севиб ўқилмоқда. Жаҳондаги жуда кўп халқлар тилига таржима қилинган.

Ҳар иккала атоқли адиблар хотирасини абадийлаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу улкан ижодкорларнинг ибратли ҳаёти, бир-бирига бўлган севи ва садоқати келажак авлодлар учун ўрнатилган алоҳида таъкидлаганди. Шу мақсадда Жиззах шаҳридаги “Ҳўжа Нуриддин” мадрасаси қайта таъмирланиб, “Ҳамид Олимжон ва Зулфия” музейи ташкил этилди.

2017 йилнинг 3 ноябрь куни фаолият бошлаган музейга ташриф буюрувчилар ҳар иккала адиб ҳаёти ва ижоди билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Музейдан “Шеърятимиз маликаси” Зулфияхоним ижоди ва фаолиятига кенг жой ажратилган. У ердан Зулфияхоним асарлари, фотосуратлари билан бирга турли тadbирларда совға қилинган буюмлар, қардош халқлар либослари ҳам ўрин олган. Яна ҳинд адибаси Амрита Притам, доғистонлик шоир Расул Гамзатов ҳамда қайсинглиси Муҳаббат опа ва ёзувчи Комил Яшин билан тушган суратлари ҳам бор.

Зулфияхоним асарлари Ҳиндистон, Африка, Бирма, Миср ва Осиё мамлакатларида зўр қизиқиш билан ўрганилган.

Экспонатлар орасидаги суратлардан бирида Зул-

фиянинг Амрита Притам билан Ҳамид Олимжон қабрини зиёрат қилаётгани акс эттирилган. Зулфия хар сафар турмуш ўртоғини зиёрат қилгани келганида уни шундай ёдга оларди:

**Соғинганда излаб бир нишон,
Қабринг томон олар эдим йўл.
Келтирардинг менга бир замон,
Энди ҳар чоғ мен элтаман гул.**

Зулфияхоним 29 ёшида бева қолса-да, ҳамisha Ҳамид Олимжон руҳи билан яшади. Унинг ижодини ўзиники билан чамбарчас боғлаб, “Ҳижрон кунларида”, “Ҳаёт varaқлари”, “Хотирам синиқлари” каби асарлар яратди. Тиниб-тинчимас ижодкор бир неча йиллар “Саодат” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Зулфияхоним оилада меҳрибон она, тажрибали мураббий бўлиб, фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Бу музей экспонатларида ҳам ўз аксини топган.

Шоира ижодий фаолияти давомида қатор мукофотларга сазовор бўлган.

У “Ўзбекистон халқ шоири” (1965 йил), Халқаро Жавоҳарлаъл Неру (1968 йил), Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1970 йил), “Нилуфар” (1971 йил) Болгариянинг “Кирилл ва Мефодий” орден (1972 йил) билан тақдирланган эди.

Ўзбек халқининг сеvimли шоираси Зулфияхоним 1996 йилнинг 1 августида 81 ёшида вафот этди. Адиба вафотидан сўнг Биринчи Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ижодкор қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Бугун бир қатор жиззахлик ижодкор қизлар ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишган. Улар орасида Сайёра Муродова, Дилфуза Ражабова, Моҳигул Раимқуллова, Азиза Шокирова сингари Зулфияхоним издошлари бор.

Насиба Муҳитдинова,
Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Кўрик-танлов

**“Баҳорой”,
“Кўклам”,
“Наврўзой”лар
беллашиди**



20 февраль куни Кува туман маданият маркази ҳамда ХТБ, Тиббиёт коллежи, Ахборот кутубхона маркази ҳамкорлигида юртимизга ташриф буюраётган фасллар келинчаги, ёшариш, янгилашиш айёми – «Наврўзи олам»ни кўтаринки руҳда ўтказиш, байрам тадбирига «Баҳорой», «Кўкламой»,

«Наврўзой»ларни саралаб олиш мақсадида «Баҳоройлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирни маданият маркази раҳбари Р.Хатамов очиб берди. Барча қатнашчиларга иштироклари учун миннатдорчилик билдириб, уларга муваффақиятлар тилади. Энг фаол, зукко қизлар ту-

манимизда ўтказиладиган «Наврўз» умумхалқ байрамида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. «Баҳоройлар» кўрик-танлови ҳомийлари томонидан голибларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

**С.Ақбарова,
марказ мутахассиси**

Ташриф

Ҳукуматимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон 2019 йил 17 август куни юртимизга ташриф буюриб, икки давлат ўртасида турли соҳаларга оид ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган эди. Мазкур келишувлар доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев ҳамда Мирзо Турсунзода номидаги Тожикистон давлат маданият ва санъат институти ректори Хайридин Идиев таълим соҳасидаги шартномаларга қўл қўйишди.

Халқаро алоқалар ривожланаверсин!



Айни кунларда институтга Тожикистон давлат маданият ва санъат институтидан Ражабмад Амиров, Фируз Ўлмасов, Нодира Хотамовалар ташриф буюришди. Ундан кўзланган асосий мақсад – илмий-ижодий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, тадқиқотлар, изланишлар ва ижодий лойиҳалар, инновацион дастурлар бўйича ўзаро алоқалар, маданият ва санъат соҳаларида бакалаврият, магистратура, докторантура босқичларини профессионал даражада ўрганиш, устоз-шогирд аъналарини олиб бориш, ўзаро халқаро конференциялар ва форумлар ўтказиш.

Институтнинг илмий-ишлар ва инновациялар бўйича проректори Гўзал Ҳолиқулова бошчилигида мутахассислар олий таълим муассасасининг турли кафедралари фаолияти, илмий амалиётлар, ижодий жараёнлар, шу билан бирга, малака ошириш тармоқ маркази иши билан яқиндан танишмоқда.

18 февраль куни “Санъатшунослик” кафедраси профессор-ўқитувчилари Муҳаббат Тўлаҳўжаева, Сарвиноз Қодирова, Маъмур Умаров, Сабоҳат



Ҳайтматова, Бахтиёр Якубов, Фахриддин Абдувоҳидов, Матлуба Исоқова тожикистонлик мутахассислар Ражабмад Амиров, Фируз Ўлмасов билан учрашишди. Унда санъатшунослик илмини ривожлантириш ҳақида баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Педагог олимлар ҳозирда мамлакатимизда илм-маърифатга юксак эътибор берилаётган бир даврда ёш санъатшунос кадрларни етиштириш, санъатшунослик спецификацияси, хореография, киношунослик, танқид ва таҳлил методлари, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини яхшилаш бора-бор тақдир бўлиб ўтди. Тожикистонлик мутахассислар Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти санъатшунос профессор-

ўқитувчиларини шартнома асосида ишга ҳам тақлиф қилишди. Маданият ва санъат соҳалари илмини ривожлантириш, санъат назарияси, танқид ва таҳлил масалалари ўрганилди, санъатшунослик бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг мутахассислик фанлари мавзулари муҳокама қилинди.

Айниқса, олий таълим муассасасида таҳсил олаётган талабаларнинг рус тилини ўрганиши, санъатшунослик илмида рус тилидаги илмий, бадиий адабиётлардан фойдалана олиши, жаҳон стандартларига тўла мос равишда кадр бўлиб етиштириш масалалари илгари сурилди.

Шунингдек, таълимдаги айрим камчиликлар, илгор жаҳон тажрибасини ўрганиш, янги инновацион лойиҳаларни таълим жараёнида қўпроқ татбиқ этиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш тақлифлари ўртага ташланди.

Тожикистонлик мутахассислар ташрифи ҳали давом этади. Олдинда ижодий таълим йўналишлари фаолиятини ўрганиш, ижодкор ёшлар билан қизгин учрашувлар, маҳорат дарслари, семинар-тренинглар кутмоқда.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати

Ватанни мадҳ этиб...

“Баҳор тароналари”



Жизза вилояти маданият бошқармасининг жорий йил 7 январдаги “Баҳор тароналари” мавзусидаги энг яхши ва янги асарлар анъанавий кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги буйруғига асосан 18 февраль куни танловнинг туман босқичи ташкил этилди ва Низомда белгиланган жанрлар бўйича иштирокчилар томонидан тақдим қилинган асарлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Ҳакамлар қарорига кўра, “Ватанни мадҳ этувчи энг яхши кўшиқ” ижрочилиги Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси билан Санжар Келдиев ижросидаги “Ўзбекистон” кўшиғи, “Наврўз ҳақидаги энг яхши кўшиқ” бўйича Маҳмуд Тоир сўзи, Санжар Келдиев мусиқаси билан Сўҳроб Ибрагимов ижросидаги “Наврўзни етаклаб келади баҳор” кўшиғи, “Энг яхши эстрада ижрочилиги” бўйича Баҳром Исмоилов, Миркомил Аҳмедовлар ижросидаги Ботир Зокиров мусиқаси билан “Сарвиноз” кўшиғи, “Худудга хос энг яхши лапар ижрочилиги” бўйича халқ сўзи, Нарғиз Худойназарова мусиқаси билан Султонбека Камолова ижросидаги “Билагузук” лапар, “Энг яхши бахши ижрочилиги” бўйича Нишонбой бахши Ўрозов ижросидаги “Ҳасанхон” достони, “Энг яхши ўлан ижрочилиги” бўйича Баҳром Усмонов ва Лобар Ҳақимовалар ижросидаги “Улан-айтишув”, “Энг яхши фольклор ижрочилиги” бўйича “Боғдон гуллари” фольклор этнография халқ ансамблининг “Наврўз” байрамига бағишланган туман ҳудудига хос удумлардан “Жели сайли” ва “Халқ ўйинлари” томоша дастурлари голибликка муносиб кўрилиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ш.Кўнишев, бош мутахассис

Афғон хотираси

Номинг ўчсин уруш



“Афғон уруши”ни эслаган одам борки, бир сесканиб қўйиши аниқ. Айниқса, ўша қонли воқеаларга гувоҳ бўлганлар уни бир умр хотирасидан ўчирилмаслиги тайин. Жорий йил Қувасой шаҳрида машум уруш тугатилишининг 31 йиллиги муносабати билан унда қатнашганлар учун тўқтин дастурхон ёзилиб, маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Кечада афғон уруши қатнашчилари, ҳарбий қисмларнинг офицер-лейтенантлари, ёш аскарлар ҳамда қатор корхона ва ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни шаҳар ҳокими А.Т.Зиявуллоев очиб, барчани 31 йиллик байрам билан табриқлаб, уруш қатнашчиларига ҳокимликнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширди. Қувасой шаҳар Чернобилчилар уюшмаси раиси сўзга чиқиб, ҳаммани байрам билан кутлади ва эсдалик совғаларини улади. Шодиёнага шаҳар маданият бўлими томонидан тайёрланган концерт дастури ўзгача файз бағишлади. Хусусан, “Қувасой” ашула ва рақс халқ жамоаси яккагон хонандалари Дилмуроджон Йўлдошев, Зоиржон Масолиев, Ақромжон Ходжаев, Достонбек Мирзаамедов, “Кўшчинор” тожик фольклор-этнография халқ жамоаси яккагон хонандаси Муродилжон Раҳмоновлар ўзларининг шўх куй-қўшиқларини қатнашчиларга тақдим этишди. Байрам барчада катта таассурот қолдирди.

А.Комилов, Маданият бўлими бош мутахассиси

Ижодий ҳамкорлик

Эркин КОМИЛОВ Каттакўрғон драма театрида

24 февраль куни Каттакўрғон шаҳар драма театрига элимиз суйган санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва актриса Нигина Анорбоевалар ташриф буюриб, театр ижодий ходимлари учун «Маҳорат дарси» ташкил этилди.

Учрашувда пойтахтлик ижодкорлар саҳна ҳаёти, те-

атрда рол ижро этиш ва саҳна орти машаққатлари, образга кириш, устозлардан олинган сабоқлар ва эришилган ютуқлар ҳақида гапиришди.

Тадбир давомида театр директори Б.Тугалов Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва ёш актриса Нигина Анорбоеваларга Каттакўрғон шаҳар драма театри актёрлари би-

лан ҳамкорликда спектакль саҳналаштириш таклифини берди.

Улар иштирокидаги саҳна асари драма театрининг 100 йиллик юбилеи ҳамда вилоятдаги театр ихлосмандлари учун ажайиб тухфа бўлиши таъкидланди.

Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ



Тайинлов!

Мирзаев Аҳбор Асқарович Тошкент вилояти маданият бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Шу пайтгача у Ўзбекистон давлат филармонияси Тошкент вилояти бўлинмаси директори лавозимида ишлаган.



Талабалар "Турандот"и

“Ҳаёт саҳнасида ўйнамоқ – санъат!”



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Ўқув театрида “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедраси профессори Темур Рашидов раҳбарлигида “Эстрада актёрлиги санъати” таълим йўналишининг 3-бошқич талабалари таниқли италиялик ёзувчи Карло Гоцци асари асосида саҳналаштирилган “Турандот” спектаклини намойиш этишди.

Саҳнада инсон қисмати ва ундаги бахтли, аммо аянчли, бетакрор, бироқ бемаврид, ёрқин, лекин шафқатсиз, гаройиб ва бекиёс, сирли-ю, синовли лаҳзаларни мужассамлаштирган мумтоз “Турандот” спектакль-фантазияси замонавий талқинда тақдим этилди.

Ролларни Нигора Очилова, Дилмурод Худойбердиев, Аълохон Содиқова, Тохиржон Чориев, Шаҳзод Болтабоев, Ақромжон Қўқоров, Хуршид Наврўзов, Жалолддин Йўлдошев, Дилшоджон Рамазонов ва бошқалар маромига етказиб ижро этишди.

Спектаклда танланган либосларнинг фалсафий маънога эга эканлиги, актёрларнинг саҳнавий реkvизитлардан унумли фойдаланиши асар гоёсига хизмат қилган. Айниқса, саҳнавий макон композициясининг мукамаллиги, таъсирли мусиқа ва чироқлар танловий персонажлар характерини янада ёрқин акс эттирди.

Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, доцент Исоқтой Жуманов таржима қилган. Актёрлик маҳорати фани ўқитувчиси Шавкат Расулов, рақс фани ўқитувчиси Нарзиддин Шерматов, саҳна нутқи фани ўқитувчиси Махсума Ҳожиматова, вокал фани ўқитувчилари Шерзод Пирматов, Эркин Раҳимов, пластика устаси Сардор Маннонов, пардозчи Феруза Жалилова, чироқ устаси Самандар Турсунов ва бошқа мутахассисларнинг профессионал тажрибаси саҳнада намоён бўлди.

“Турандот” спектакли томошабинлар томонидан давомий оқшешлар билан кутиб олинди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Матбуот хизмати

Илмий-амалий анжуман

Муаммо, ечим ва истиқболдаги вазифалар



18-19 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан “Раҳбар кадрларнинг эстрада санъатини ривожлантиришда, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни: муаммо, ечим ва истиқболдаги вазифалар” мавзусида илк республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси директори Одилжон Абдуқаҳҳоров, Давлат Солиқ қўмитасининг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Зарифжон Зокиров, Самарқанд вилояти ҳоқими ўринбосари Рустам Қобилов, Самарқанд вилояти Маданият бошқармаси бошлиғи Хўжакул Муҳаммадиев ҳамда худудий бўлим раҳбарлари, масъул ходимлар, вилоятда ижод қилиб келаётган хонандалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинар кун тартибидан бир қатор муҳим масалалар ўрин олди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлиси Сенати Кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори ижросини таъминлаш;

Раҳбар кадрларнинг санъаткорлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ахлоқий тарбиясидаги ўрни;

Санъаткорларга солинадиган солиқ бўйича қонунчиликдаги ўзгаришлар, лицензиясиз фаолият юритишларининг ол-

дини олиш ва шартнома тузиш;

Ёш истеъодларни излаб топиш ҳамда кашф этишда олиб борилаётган ишлар ва бу борада жонли ижронинг аҳамияти;

Китобхонлик, саводхонлик. Яъни хонандаларнинг ижодий фаолиятига, улар репертуарида асл қўшиқлар яратилишига ҳисса қўшиш мақсадида мазмунан пишшиқ, халқчил ва гоёвий, бадиий жиҳатдан мукаммал шеър танлашга яқиндан қўмаклашиш ва бошқа долзарб масалалар.

Анжуманнинг иккинчи куни амалий тарзда интерфаол услубда давом этди. Унда муассасанинг Самарқанд вилояти бўлими иш фаолияти билан яқиндан танишилди. Жараёнда масъуллар томонидан худудий бўлимлар раҳбарлари ва ходимлари учун мастер-класслар ўтказилди.

Оламгир Абдиев

Давоми. Боши 1-саҳифада

Алломаларимиз закосидан таралган нур

Шунингдек, маданият вазири мавзуга доир ўз мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтди. Дунёда бир ярим миллиарддан ортиқ диндошларимиз борлиги, бироқ улар табаруқ зийратгоҳларимизга жуда кам келишини куюниб гапирди. Демак, бу алломаларимизнинг бебаҳо мероси тарғиботи талаб даражасида эмас. Ушбу вазифа нафақат Ўзбекистоннинг, балки ислом ташкилотлари вакилларининг ҳам зиммасидаги масъулият эканини таъкидлади. Ўз навбатида делегация аъзолари ҳам бу борадаги фикрлари ўхшашлигини айтиб, АЙСЕКО мазкур масаланинг ижобий ҳал этилишидан манфаатдор эканини таъкидлашди.

АЙСЕКО делегацияси Бухоридан ташқари Хива, Самарқанд каби тарихий шаҳарларимизни кўриб қайтгач, Маданият вазириликда оммавий ахборот воситалари ходимлари, ижтимоий тармоқ блогерлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда маданият вазири ўринбосари Камола Акилов

ва қатнашди.

Шунингдек, Ислам цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров, ЮНЕСКО билан ишлаш бошқармаси вакиллари иштирок этишди. Маданият вазири ўринбосари анжуманни очар экан, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти эътиборига тушган тарихий шаҳарлари, олимۇ фузалолари, хусусан, Ислам динининг ёрқин намояндалари бўлган аждодларимизнинг бой ижодий, илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эгалиги, АЙСЕКО ташкилоти шу маънода энг яхши ҳамкор эканини таъкидлади. Ўз навбатида ташкилот Бош директори ўринбосари, маданият йўналиши бошлиғи Рихиати Салих Нажиб ҳам асосий мақсад – Бухоронинг бой тарихий, маданий меросини бутун дунёга тарғиб этиш, кўрсатишдан иборатлигини айтиб ўтди. Осиё минтақасининг машҳур



тарихий шахрга “Ислам маданияти маркази” номининг берилишини муносиб нишонлаш учун ноёб исломий кўлэмалари нашр этиш, Ўзбекистон олимлари ҳақида араб, рус ва ўзбек тилларида китоблар чоп этиш, қолаверса, Бухородаги энг яхши маданий лойиҳа, энг яхши хунармандчилик буюмлари учун АЙСЕКО муқофотларини таъсис этиш мақсадаги мувофиқ экани таъкидланди.

Сайёра Рихсиева, “Маданият” газетаси муҳбири

Халқаро ҳамкорлик

Хайрли мақсад йўлида



Тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва музейшунослик фаолиятини такомиллаштириш бўйича Хива "Ичан-қалъа" давлат музей-қўриқхонаси жамоаси ва япониялик олимлар ҳамда мутахассислар ҳамкорлиги тобора мустақамланмоқда. Яқинда Япониянинг Токио ва Киото хорижий тиллар университетлари профессор ўқитувчилари, тадқиқотчи олимлари – Хироши Минати, Китура Сатору, Хорикава Тору ва Максумото Такуяларнинг Хивага ташрифи ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Музей-қўриқхона мутахассисла-

ри ва япониялик олимлар ҳудуддаги тарихий меъморий ёдгорликларни асраш ҳамда таъмирлашда ташки табиий таъсир – ер ости ва ер усти намлик, шўрланиш даражасини ўрганиш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Шу ниятда Калта минора, Жума масжиди, Пахлавон Махмуд мақбараси ва бошқа шу каби ёдгорликлар деворларига хориждан келтирилган намлик таъсирига назорат қилувчи энг замонавий ускуналар – термогидронометрлар ўрнатилди.

– Хива – қадимий ипак йўлида жойлашган дурдона

шаҳар, – дейди Китура Сатору. – Ичан-Қалъадаги тарихий обидалар жаҳон сайёҳлари эътиборини ўзига қўпроқ жалб этмоқда. Демакки, уни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишда ўзига яраша катта масъулият бор. Айнан шу масъулият ҳаммамизни ҳамкорликка чорламоқда. Тадқиқот натижалари, шу асосдаги таъмирлаш ишларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш, музей-қўриқхона фаолиятини яхшилаш воҳода туризм имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

ОТАБЕК ИСМОИЛОВ, журналист

Театр ва ҳаёт



Шароит ва имконият

“Ташаббус”га ташаббускор ёшлар

Бугунги кунда ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши ва касбунавар эгаллаши учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Шунингдек, қўрбошимиз ёшларга эътиборни янада кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини маъмул ташкил этиш, турли ёт иллатларга қарши маънавий иммунитетини кучайтириш мақсадида бешта муҳим ташаббусни қабул қилдилар.



Маълумки, ушбу ташаббусда ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ҳамда спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалаларни қамраб олган.

Мавжуд имкониятларни ҳамда қизиқувчан ва интилувчан ёшларга муסיқа сирларидан сабоқ берилаётганини кўрсатиш мақсадида Бағдод туманидаги 29-болалар муסיқа ва санъат мактабида “Ташаббус”га ташаббускор ёшларимиз! шiori остида концерт дастури намойиш этилди.

Кечага Бордон қишлоғидаги 14-54-умумтаълим мактабларга ўқувчи ва ўқитувчилари ташриф буюришди. Тадбир аввалида улар муסיқа мактаби ўқув биноси, машғулот хоналарини айланиб, муסיқа чолғулари билан қийндан танишдилар. Шу билан бирга ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Шундан сўнг муסיқа мактаби ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури намоз қилиш томоша қилишди.

Дастурдан ўрин олган жаҳон ва ўзбек композиторларининг энг машҳур асарлари ҳамда ўзбек анъанавий муסיқа меросимизнинг сара намуналари ижроси томошабинларга кўтаринки кайфият улаштирди. Концерт якунида мактаб директори Шухратжон Солиев болаларни яна бир бор муסיқа чолғулари билан таништириш, уларни таснифлаб берди. Ёшларга дарсдан ташқари бўш вақтларида мазкур даргоҳда ўзлари қизиққан муסיқа йўналишида таҳсил олиш имконияти борлигини таъкидлаб, ташрифлари учун миннатдорчилик билдирди.

Гулҳаё Собирова, Фаргона вилояти Бағдод тумани 29-БМСМ ўқитувчиси

“Муқимий” ибратхонаси

Айтишларича, инсон вужудидаги хасталикни даволашда ёқимли куй энг яхши восита ҳисобланар экан... Агар дард танани эмас, руҳиятни қамраб олган бўлса-чи?!

Бундайлар бирор китобни мутулаа қилса ёки қандайдир кинофильм, сахна асарини томоша қилиб, ундан ибрат олса, “Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр” маъносиди тўғри хулоса чиқарса, буни ибрат десак асло янглишмаган бўламиз.

Бу ҳақда фикр юритганда маърифатпарвар шoir, олим Бехбудийнинг “Театр ибратхонадир” деган сўзлари бот-бот ёдга тушади. Таъбир жоиз бўлса, пойтахтимизнинг забардаст ибратхоналаридан бири – Муқимий номидаги муסיқали драма театрини томошабинни нафақат ҳаёт сабоқлари, балки қалб тугёнларини ифодаловчи дилтортар куй-қўшиқлари билан тарбиялайдиган шифо маскани десак янглишмаймиз. Зеро, деярли 80 йиллик фаолияти давомида ушбу театрининг тамал тошини қўйган Х.Х.Ниёзий, Миршохид Мирқоиллов, Тўхтасин Жалилов, Марьям Ёқубова, шунингдек, Махмуджон Гофуров, Дони Зокиров, Сойиб Хўжаев, Лутфихошим Саримсоқова, Аббос Бакиров, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев каби санъатимиз даргалари, кейинчалик Фароғат Раҳматова, Суръат Пўлатов, Турсунхон Жаъфарова, Шаҳодат Раҳимова, Ёттибор Жалилова, Файзулла Аҳмедов каби элимиз ардоғидаги артистлар яратиб кетган ижод мактаби неча-неча иқтидорли санъаткорларни етиштирмади дейсиз? Улар ижросидаги театр олгин фондидан жой олган сахна асарлари қахрамонлари қанчадан қанча юракларни тўлқинлантирмаган, эгзу ишларга рағбатлантирмаган дейсиз? Ҳозирги кунда ҳам ёш ижрочилардан самимий маслаҳатларини аямийдаган Марьям Ихтиёрова, Турсунбой Пиржонов, Одина Нарзуллаева, Наима Пўлатова, Боир Холмирзаев, Мирза Азизов, Аҳад Пармонов, Малика Қаюмова, Турғун Бекназаров, Александр Бекжон, Меҳмонали Салимов, Ҳаким Носиров, Шайхор Орифжонов, Меҳри Бекжонова, Маъсуда Отажонова каби кўплаб фидойи устоз санъаткорлардан нафақат сахна маданияти, балки ҳаёт дарсини олаётган истеъдодли ёшларнинг хоҳ сахнада бўлсин, хоҳ телевидениедаги ижролари кимларгадир ҳаёт синовларига бардошни, кимларгадир тўғри йўлга қайтишни ўргатган бўлса не ажаб?

Эндликда устозлари ўйнаган “Алишер Навоий”, “Мирзо Бобур”, “Муқимий”, “Нурхон”, “Равшан ва Зулхумор”, “Тошболта Ошиқ”, “Отабек ва Қумушбоби”, “Утқан қунлар” “Тўмарис”, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Фотима-Зухра”, “Сарвқомат дилбарим” каби спектакллардан илҳомланиб, маҳорат билан роль ижро

этаётган Нарғиза Шаҳובה, Расулхон

Қодирхонов, Гулноза Саидова, Маърифат Ортиқова, Элёр Ёсонов, Нафиса Ёвқочева сингари кўплаб ёш ижодкорлар томошабинлар олқишига, мухлислар меҳрига сазовор бўлаётгани Президентимиз таъкидлаган ҳалоллик, поклик, қолаверса, меҳнатсеварлик вакцинаси билан даволаш қобилиятининг мавжудлигидир дея айтгимиз келади. Зеро, жамоага ўз ишининг фидойиси, ўз ижролари билан мухлислар қалбини забт этган фаол жамоатчи раҳбар, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов бошчилик қилмоқда.

Сўнгги йилларда театр репертуарининг янги-янги спектакллар билан бойитилгани, тарихий асарларнинг қайта сахналаштирилиётгани, кўпгина истеъдодли ёшларнинг театрда бажонидил фаолият олиб бораётгани жонкуяр раҳбарнинг касб маҳоратидан десак янглишмаган бўламиз. Албатта, театрининг биз тилга ололмаган фидойи ижодкорлари кўп. Келгусида улар ҳақида ҳам кенгроқ маълумот бериш ниятидамыз.

Қолаверса, Хайрулла Иноғомов, Хайрулла Ваҳобов каби ўринбосарлар раҳбарининг ишларини ўз вақтида бажаришди кўл-қанот бўлаётгани ҳам бор гап. Ёттиборлиси, театрда йил давомида намойиш этилаётган спектакллар, улар ижрочиларининг энг, энг яхшилари ой сайин эътироф этиб борилиши ҳам диққатга сазовор.

Жумладан, ўтган 2019 йилнинг энг яхши спектакллари дея эътироф этилган “Жайдари келин” (Маърифат Ортиқова), “Айёргина аёллар” (Мусаллам Дадажонова, Гулсал Раҳмонова), “Олифта” (Маъсуда Отажонова, Ҳабибулла Ортиқов), “Дилдаги доғ” (Норпошша Ҳасанова, Умид Шодмонов), “Сарвқомат дилбарим” (Сурайё Юсупова, Нурбек Маматов), “Тўмарис” (Нарғиза Шаҳובה, Ҳамид Тўхтаев) каби сахна асарлари жамоа обрўсини кўтариб, янада жиқлашишига хизмат қилаётган дейиш мумкин.

Хулоса шуки, кейинги пайтларда ўз мухлисларига эга театрда иш қизгин, янги-янги режалар келгусида ижодий фаолиятнинг юксалишини таъминламоқда. 13 февралдан театр томонидан “Ёш иқтидорлар” танловининг эълон қилингани ва унда гоили бўлганлар 4 ой давомида бепул ўқитилиши ҳақидаги хабар соҳа ихлосмандларини, айниқса, қувонтиргани шубҳасиз.

Сайёра Рихсиева, “Маданият” газетаси муҳбири



Маҳорат дарси

Орзуимдаги инсон билан учрашув

20 февраль куни Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабининг дами ва зарбли асбоблари кафедрасига "Орзуимдаги инсон билан учрашишни истайман" лойиҳаси доирасида шаҳар Ҳарбий гарнизои офицерлар уйи оркестри жамоасидан Шавкат Аллашуқуров ва Қобил Курбоновлар ташриф буюришди. Улар ўқувчиларга "маҳорат дарси"ни ўтишди. Бунда труба, саксофон, кларнет каби мусиқа асбобла-

ри, уларнинг ижро услублари ҳақида фикр алмашилди, назарий ва амалий машғулотлар ташкил этилди, ижролар тингланди, савол-жавоблар ўтказилди. Мактабда мутахассис ўқитувчилардан Ш.Дўлаев, А.Бахромоов, Х.Ҳўжамбердиев, Ж.Одинаев, А.Давлаевлар ўқувчиларга сабоқ бериб келишади. Шунингдек, битирувчиларнинг 60 фоизи ҳарбий оркестрда ишлашни хоҳлашади. Мазкур тадбир ҳам ўқувчиларда ўз касбига

бўлган меҳрни, ватанпарварлик руҳини оширади.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари юртимиз ички туризмини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. 20 февраль куни 305-гурӯҳ раҳбари О.Эрназаров ўқувчилари учун Шеробод туманидаги Абу Исо Мухаммад Имом ат Термизий мақбарасига саёҳат уюштирди. Ёшлар бу ташрифидан катта тассурутлар билан қайтишди.



Хотира кечаси




Муқаддас қадрият

20 февраль куни Қашқадарё вилоят Касби тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, 14-болалар мусиқа ва санъат ҳамда 2-умумий ўрта таълим мактаблари, Маданият маркази билан ҳамкорликда шу элнинг жонқуяр фарзанди Аҳмад Турсуновга бағишланган «Устозларни хотирлаш – муқаддас қадрият» номили хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби Дамли ва зарбли асбоблари оркестри жамоаси вилоят ҳамда туманлардан ташриф буюрган меҳмонларни илиқ кутиб олишди. Кечани вилоят халқ таълими бошқарма бошлиғи Т.Саидов ва туман халқ таълими бўлими мудири А.Суюновлар очиб беришди. Бадиий қисмида 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўз чиқишлари билан фаол қатнашишди.

Шунингдек, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 5 та ташаббусини амалга ошириш мақсадида Касби тумани ҳокимлиги, Халқ таълими бўлими, 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият бўлимлари билан ҳамкорликда маданий тадбир ташкил этилди. Уни туман ҳокими Тўхтамурод Мелиев очиб берди. Кечада 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ўз чиқишларини намойиш этдилар. Ушбу мактабнинг тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқувчилари расмлар, акборот-ресурс маркази ходимлари эса китоблар кўргазмаси билан иштирок эттишди.

Миллий мерос

Чанқовуз ҳақида биласизми?



Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Этнография бўлимига қўйилган ноёб экспонатлардан бири чанқовузидир. Ўзбек миллий чолғулари худди мумтоз мусиқамиз каби қадим илдишларга эга.

Айримлари ҳақида бугунги ёшларимиз деярли ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Шундай чолғуларимиздан бири чанқовуз ёки чанқубиз бўлиб, Сурхон воҳасининг қадимий ва анъанавий мусиқа асбобиридир. У миллодан аввалги биринчи асрда пайдо бўлиб, унда аждоқларимиз, хусусан, момоларимиз бетакрор куйлар яратган. Бир маромдаги тебранишлар орқали товуш ҳосил қиладиган, тилчали ўзбек миллий чолғусининг яралиш тарихи неолит даврига бориб тақалади. "Алпомиш" дostonида айтилишича, чанқовуз дастлаб суюқдан, кейинроқ ёғоч, қамиш, гаров (ўсимлик) ва металдан ясалган. Бу чолғу асоби Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалғистон Республикасида кенг тарқалган.

Ундан яққохон ижро ёки ансамбль таркибига асосан аёллар фойдаланишади. Чанқовуз тиш билан босилиб, тилчаси кўрсаткич бармоқ ёрдамида тирналиб чалинади. Овознинг кучи лаблар ҳолатига, оғиз бўшлигининг очилганлик даражаси, шунингдек, чолғу тилчасининг узун ва қалинлигига боғлиқ. Ижро маҳсулини эшитар экансиз, куйда янграётган оҳангга юракни жунбушга келтирувчи нола борлигини ҳис қиласиз ва атрофга таралаётган мусиқа сизни бир дам олис ўтмишга етаклагандек бўлади. Ҳозирги кунда чанқовулар асосан темирдан ясалмоқда. Бундан ташқари, Сурхон воҳасида анъанавий мусиқа чолғуларидан сибизга, гажир най, чанқовуз, бахшиларга жўр бўладиган дўмбира, қубиз кенг тарқалган. 1990 йиллардан бошлаб баъзи фольклор-этнографик жамоалар томонидан кенг ишлатиладиган бўлди. Шунингдек, чанқовуз ёрдамида турли ҳайвонларнинг овозларига ўхшатмалар қилинади.

Ф.Ўзиева

Маънавият – инсон бошидаги тоғ

Ота-она илмсиз бўлса...



Кундан кунга тобора тараққий этаётган юртимизда ҳар бир соҳада юксалишлар кузатиляпти. Деярли, барча ислохотлар замирида ёшларга бўлган эътибор яққол намоён бўлмоқда. Билмизки, маънавий баркамол ёшлар юртимиз келажаги ҳисобланади. Мана шу сабаб "Ёшларга оид давлат сиёсати" дастури, юртбошимиз томонидан илгари сурилаган "Ҳаракатлар стратегияси" ёки тарғиб қилинаётган бешта ташаббусни оласизми, барчасининг замирида ёш авлоди ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга бўлган эътибор мужассам. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрда қабул қилинган "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси"нинг тасдиқлиниши ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Жамиятимиз "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Маълумки, таълим ва тарбияни бир-бирдан ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилсагина ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, руҳан ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ёшларни етиштириб беради. Шу ўринда Сукротнинг "Ўқиб – ўрганмай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентақ деб билмоқ керак" деган фикрлари ёдга тушади.

Илмсиз инсон нафақат бир корхонани, ҳаттоки, оиласини ҳам бошқара олмайдди. Махшур адиб Абайнинг "Нақлия сўзлар" асарини ўқисангиз, унда шундай жумлаларга қўнгангиз тушади. Фарзанд дунёга келганда икки нарса билан келади, бири – ейман-ичаман бўлса, иккинчиси



– бу нима? деган саволлар. Ҳўш, ота ёки она илмсиз бўлса, фарзандининг бераётган "Ойи, нега ёмғир ёғади?" каби минглаб саволига қасрдан жавоб топиб беради, яна "Бор отангга, бор онангга ёки катта бўлсанг, билиб оласан", дейдимми?

Ўқорида қабул қилинган дастурни ўқир эканман, бу муаммолар, яъни "Катта бўлсанг, билиб оласан" каби жавобдан қочиб ўз ечимини топар эканда, деган хаёлга бордим. Ушбу дастурда режалаштирилган мактабларга "Тарбия" фанининг олиб кирилиши айна мударра бўлибди.

Ҳозир мактаб даврларимни эсласам кулгим келади, 10-синфга ўтган кезларимизда "Одобнома" фани киритилган эди. 10-синф ўқувчисига қандай саломлашиш кераклиги, мулоқот маданиятларидан мавзудар ўтишган, лекин ўшанда таажубланганмиз, "16 ёшга тўлган инсонга саломлашиш одоби энди ўргатилади", деб... Йиллар ўтиб, таълимда жуда кўзга кўринарли ютуқлар амалга оширилди, жумладан, "саломлашиш одоби" ҳам бошланғич синфга кўчирилди. Тарбия, аввало, оиладан бошланади, ушбу дастурда маънавиятни юксалтиришда учк бурчак ҳосил қилинибди, яъни оила-маҳалла – таълим маскани.

Буучбурчаксиз кенг мушоҳадали, маънавий дунёси бой инсонни тарбиялашни, ҳаттоки, тасаввур қилиб бўлмайди. Шу ўринда бир таклифни билдириб ўтишни маъқул деб билдим, қанийди, мактаб дастурларига психология фанлари ҳам ёшига мос ҳолда қуйи синфлардан киритилса, янада нур устига нур бўларди.

Ушбу дастур билан ҳар бир оила вакилларини ҳам таништириш лозим. Зора, "ўқиб менга дунёни олиб берармидинг" қабилида фикр юритувчи инсонлар қолмас...

Билим – мисоли бир жилво, у одамни барча ярамас ишлардан тийиб туради. Билимдилар элда азиз бўлади. Билимсиз кишилар доноларнинг душманидир. Улар доим доноларга хорлик тилайди, бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломатидир.

Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади, аммо илм ва одоб бундан мустаснодир. Шундай экан, фарзандларимизнинг маънан тарбия топширишида бефарқ бўлмайлик. Зеро, илм ва тарбия инсонийликнинг тождидир.

Зухра Тожиёва,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Таъзиянома!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги,
Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ҳамда
Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ғайбулла Хожиев вафот этгани муносабати билан
унинг оила аъзолари ва яқинларига
чўқур таъзия изхор этади.



Баркамол авлод



19 февраль куни Каттақўрғон шаҳрида ёшларнинг эзгу истак ва ғояларини амалга ошириш, улар тақлифини тинглаш ҳамда муаммоларини ҳал этиш мақсадида 7-умумтаълим мактабида раҳбарлар билан ижодий учрашув ўтказилди.

Унда 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган мусиқий чиқишлар намойиш этилиб, ян-

ги китоблар тақдироти ташкил қилинди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан "Биз – гиёҳвандликка қаршимиз!" номи акция доирасида расмлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Кеча якунида шаҳар таълим муассасаларида таҳсил олаётган ташаббускор ва фаол ёшлар ташаккурномалар ҳамда китоблар жамланмаси билан тақдирланишиди.



Жаҳон отин Увайсий таваллудига 240 йил

Ўзбек адабиёти тарихида аёллар шеърятининг гуркираб намоён бўла бошлаши XIX асрга тўғри келади. Ҳудди шу даврда бир қатор аёл шоирлар шеърят майдонига бирданига кириб келдилар.

“Кўнги гулзори”га ташриф...

Жаҳон отин Увайсий адабиётимизга шу даврда кириб келган аёл шоирларнинг биринчиси, забардасти ҳам уларнинг устозидир. У аёл шоирлар орасидагина эмас, умуман, XIX асрнинг биринчи ярми Ўзбек адабиётига адабий меросининг ҳажми ва маззу кўлами, ғоявий моҳияти, мазмун салмокдорлиги, бадиий тасвир таровати жиҳатидан йирик намоёндалар қаторида туради.

Мумтоз адабиётимизга ўзининг салкам ўн беш минг мисралик адабий мероси билан муносиб ҳисса қўша олган бетакрор шоира Жаҳон отин Увайсий Марғилоннинг Чилдўхтарон маҳалласида таваллуд топган.

У хат-саводи ва диний илми билан 16 ёшидаёқ Марғилонда Жаҳон отин номи билан танилган, мустақил мутолаа билан наъмадаги бетакрор истеъдодини намоён қила олган, мусикадан ҳам яхшигина хабардор бўлган шоирадир. Жомий, Навоий, Бедил, Фузўлий шеърятига кўнгили кўйган, Машраб руҳиятига иштиёқи баланд Жаҳонбоби “Увайсий” Оллоҳқа ошқлардан эди.

Илм-фан, санъат ва адабиётнинг чинакам билимдони бўлган Умархон – Амирий ҳам устоз Увайсийни беҳад қадрлаган. Увайсий Нодиранинг устози, ижодий ҳамкори, эгачи-сингилдек яқин кишига айланганди.

1910 йилда махсус ёрлик билан Қўқонга чақирилган Увайсий Умархон ва Нодира ҳаёда эгган ҳовлида яшаб, Ўрда аёлларига хат-савод, назм ва мусиқа илмидан сабоқ бериб, ижодини ҳам давом эттирди.

Марғилон соғинчи кўнглини ўртаган Увайсий бир кун уй-жойидан хабар олиб келиш учун Умархондан изн сўраб Ўрдага боради. Бироқ, рухсат ололмайди. Ораддан анча фурсат ўтиб, яна хон хузурига кириб Марғилонга бориб келиш учун ижозат сўрайди. Бу гал Умархон: “Сабр қилинг, Наврўзи ўтказайлик, сўнг борурсиз”, – деб розилик бермайди. Наврўзда эса ҳали бор.

Наврўздан сўнг уйига бориш учун рухсат олган Увайсийни Марғилонда ажиб янгилик кутарди. Шоиранинг уйи ўрнида олди айвонли, пештоқлари нақшинкор, баланд янги уй қад кўтарганди.

Увайсийни Қўқондан кетказмай ушлаб турган Умархон унинг уйини қайта қурдиради. Нақшинкор пештоқли айвоннинг устуни ҳам сержилло бўлиб, унга Амирий, Увайсий, Нодира байтлари ўйиб битилган эди.

Жаҳон отин Увайсий умрининг сўнгги йилларини шу уйида ўтказиб, шу ерда вафот этди ва ҳовлиси четига “Сочли Эшон” зиёратгоҳига дафн этилди.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги арафасида Жаҳон отин Увайсий мома яшаган ва боқий дунёга ҳам абадий макон қурган ҳовлида Жаҳон отин Увайсий уй-музейининг бунёд этилиши улғу аж-



додларимизга кўрсатилган юксак эҳтиромнинг намунаси бўлди.

2007 йил 7 августда Увайсий уй-музейининг очилишига Ўзбекистоннинг Давлат арбоблари, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси раҳбарлари, халқ шоирлари ва ёзувчилари, адабиётшунос олимлар, меҳнат фахрийлари, ёш ижодкорлар ва кўплаб ҳамшаҳарларимиз ташриф буюрдилар.

Увайсий уй-музейи Марғилон зиёратига чоғланган ҳамюртларимиз, ҳамшаҳарларимиз ва ижод аҳлининг севимли гўшасига айланди.

2008 йил баҳорда ўтказилган “Марғилон мушоираси” минтақавий танловини водийнинг энг истеъдодли ёшларини Увайсий уй-музейида жам қилди. Ҳар 2 йилда ўтказиладиган бу анъанавий танлов Ўзбекистон халқ шоирлари, халқ ёзувчилари, профессорлар, адабиётшунос олимлар, мамлакатимизнинг турли ерларидан ташриф буюрган ижод аҳли билан қалби тўзалликка тўла ёшларни бир даврага йиғади, ширин сўхбатлар, қизгин ижодий баҳслар ҳаёда этади. Водийнинг янги-янги ёш истеъдодларини кашф этади.

Мустақиллигимиздан сўнг вилоятимизда ҳар йили 2-3 бора ташкил этиладиган “Адабиёт кўнари” ташриф буюрган меҳмонларнинг – илм, ижод аҳли, назм ва наср илосмандларининг эрта тонгда шоира Увайсий момаимиз қабрини зиёрат қилишларидан бошланади.

Увайсий уй-музейи қошида фаолият олиб бораётган устоз шоир Исмоил Маҳмуд Марғилоний раҳбарлигидаги Увайсий адабий тўғраги ушбу табарруқ маскани ижод гулшанига айлантирди.

2010 йилда шоира момаимиз таваллудининг 230 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

Фаргона вилояти, жумладан, Марғилон шаҳрида ушбу айём ўзгача тус олди. Айниқса, Увайсий уй-музейи фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди, қайта таъмирланди. Экспозиция ва кўргазмалар билан бойитилди. Шоира Увайсий адабий меросини ўрганиш борасида Марғилон шаҳри ҳокимлиги ва уй-музей ҳамкорлигида катор илмий-оммавий тадбирлар амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри Юнусобод даҳасидаги Увайсий маҳалласига ташрифлари чоғида: “Марғилонга, у ердаги Увайсий уй-музейига бориңлар. Марғилонликлар шоира Увайсий онамиз ҳақида кўп маълумотлар биладилар”, – деганларида шу музей ҳодими бўлганимиздан чексиз фахр ва масъулиятни ҳис этдик.

Тошкентнинг Увайсий маҳалласидан Ўзбекистон халқ шоираси Мунаввара Ўсмонова раҳбарлигидаги 30 дан ортиқ меҳмонлар уй-музейга ташриф буюрган кун асло ёдимдан кетмайди.

2017 йил апрель. Табиат камалакранг сепларини ёйган, куннинг илиқ тиги кўнгилини сарафроз қилган, яшил арчалар сайроқи шадждо қушларни бағрида яйратган, яшил баҳмал поёндоз майсалар ҳиди уфуриб, ранг-баранг гуллар завку шавққа тўлдириган уй-музей байрамона тус олди.

Унинг ҳовлисида бўлиб ўтаётган тадбирда Увайсий ҳақида маърузалар, қизгин сўхбатлар авж олди. Шоира ижодидан намуналар шеър ва кўшиқ бўлиб янгради. Россияда бўлиб ўтган мумтоз кўшиқлар танловининг ёш голибаси 6-синф ўқувчиси Розияхон Комилжонова ижро этган мумтоз қўшиқ кўнгилини хайратга солди. Кун асрни қоралай бошлаган ўша пайтда бу гулшан базмига ҳамоҳанг қалдирғочлар осмонда чарх уриб барчанинг эътиборини тортгани кегадидек кўз ўнгимда.

Шоира Увайсийнинг: Жафо чеканалар, жонон, вафолиг қилгонинг яхши, деган ажойиб мисралари бор.

Мустақиллик йилларида Жаҳон отин Увайсий уй-музейининг ташкил этилиши ана шу гўзал мисраларнинг инъикоси бўлди.

М. Ҳайдарова, Эркин Воҳидов мемориал музейи мудираси

Эълон



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси 2020 йилнинг 3-4 апрел кунлари бўш (вакансия) иш ўринларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича “танлов” эълон қилади.

№	Касблар ва мутахассисликлар номи	Талаб этиладиган малака	Талаб этиладиган маълумот
1	Бадиий жамоа раҳбари	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
2	Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
3	Бош балетмейстер	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
4	Мусиқа бўлими раҳбари	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
5	Саҳналаштирувчи-балетмейстер	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
6	Саҳналаштирувчи-рассом	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
7	Чирок устаси	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	олий
8	Артист-гимнаст (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
9	Артист-ўргатувчи (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
10	Артист-жонглер (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
11	Артист-акробат (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
12	Артист-масҳарабоз (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
13	Артист-масҳарабоз (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
14	Артист-эквилибрист (1 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
15	Оркестр артисти (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
16	Артист-чавандоз (олий тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
17	Артист-чавандоз (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
18	Артист чавандоз (тоифасиз)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
19	Балет артисти (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус
20	Артист-иллюзионист (2 тоифали)	Меҳнат фаолияти 3 йилдан юқори бўлган	ўрта-махсус

Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Ғафур Ғулум кўчаси 1-уй, Хадра майдони Мурожаат учун телефон: (71) 244-34-31

Таъзиянома

Маданият вазирлиги таниқли ўзбек актёри, дубляж устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғайбулла Ҳожиёв вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хисобот концерти

“Анор”нинг
чиқишлари
манзур
бўлди

11 февраль куни Кува туман маданият маркази қошидаги “Анор” ашула ва рақс халқ ансамбли навбатдаги ҳисобот концертини намойиш этди. Ансамбль ижросидаги куй, қўшиқ ва жозибали рақслар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Концертда вилоят маданият бошқармаси бош мутахассиси Эминжон Ғуринов иштирок этди.

Ғуринов келганда шунингдек, мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ўзбек миллий маданият ва санъатини ривожлантириш, бадиий ҳаваскорлик ишларини такомиллаштириш ва улarga етарли шарт-шароитлар яратиш борасида жуда кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Шу қарор ва фармонлардан завқланиб, шижоат билан ижод қилаётган ту-

мандаги намунали ва Халқ унвонига эга жамоалар ҳамда иқтидорли ҳаваскорлар руҳиятини кўтариш, шунингдек, улар ижодини мамлакатимиз аҳлига намойиш этиш учун республика бўйлаб бадиий агитпоездлар, вилоятлараро ижодий сафарлар уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А.Хотамов, туман маданият маркази раҳбари

“Ўзбекистон – Буюк ипак йўли чорраҳасида”

Техронда ўзбек
фото кўргазмаси
иш бошлади

17 февраль куни Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) Маданият институти фотогалереясида ўзбек фото расми, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Хусниддин Атонинг “Ўзбекистон – Буюк ипак йўли чорраҳасида” мавзусидаги фото кўргазмаси очилди.

Ўзбекистоннинг Техрондаги элчихонаси, ИХТ Маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, очилиш маросимида ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, маданий доиралар ва оммавий ахборот воситалари, Эронда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Кўргазмадан ўзбек халқининг бетақрор маданияти, урф-одатлари, анъаналари, шунингдек, қадимий тарихий, маданий, диққатга сазовор жойлари ва Ўзбекистоннинг бой мероси ақс эттирилган фотосуратлар ўрин олган. 80 дан ортиқ фотосуратлар ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Отабек Музаффаров

Маънавият кечаси

“Биз —
буюклар
авлодимиз”

Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болаларга ихтисослаштирилган мактаб интернатида буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Бобурга бағишлаб “Биз буюклар авлодимиз” мавзусида тадбир ҳамда кўргазма ташкиллаштирилди. Тадбир ташаббускори мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Неъмат Қиличевдир. Кечани Ортиқ Искандаров очиб, бу икки сиймонинг бекиёс мероси ҳақида гапирди. Шунингдек, тадбирда “Навоий” ҳамда “Бобур” жамоалари ўзаро беллашди. Унга она тили ва адабиёт ўқитувчиси Рўздат Жабборов, Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси Г.Эгамбердиева ва Ортиқ Искандаровлар ҳакамлик қилишди. Ўқувчилар Навоий ва Бобур газаллари ва рубоийларидан парчалар ўқиб, сахна кўринишлари билан кечага файз киритдилар. Беллашувда “Бобур” жамоаси ғолиб келди.

Замира Айтбоева,

Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси ходимаси

Халқаро фестивал

Истамбулда янги
офис очилди

Туркиянинг Истамбул шаҳрида Евро-Осиё театралари ассоциацияси тузилди. Хозирча унга ўндан ортиқ давлатлар аъзо. Ўзбекистон номидан Қашқадарё вилояти мусқали драма театри улар сафига қўшилди. Бундан кўзланган мақсад ассоциацияга аъзо давлатларда бўлиб ўтадиган халқаро фестивалларда мунтазам иштирок этишидир. Шунингдек, ижодий алманишувлар ва гастроль сафарлари ҳам амалга ошириб борилади. Истамбул шаҳрида ассоциациянинг янги офиси очилди. Унинг тоқчасидан биринчилардан бўлиб Ўзбекистон байроғи ҳам жой олди.

Хунармандчилик

Асрларни улаб
келган қуроқлар

Қорақалпоқ халқ амалий безак санъати турларидан бири қуроқ тикишдир. Халқ оғзаки ижодида келтирилишича, қадимда иккита оиланинг қизи бир кунда фотиҳа қилиниб, тўйлари ҳам бир кунда ўтказиладиган бўлибди. Қизлардан бири бадавлат оиланинг фарзанди бўлса, иккинчиси ўртамиёна ҳаёт кечираркан. Бадавлат оила қизининг тўйига тайёргарлик бошлаб, сепи учун ҳар хил матолар олиб келиб, кўрпачалар тикишга тушибди. Бунинг қўрғани иккинчи оиланинг қизи ичидан хафа бўлибди. Бунинг сезган янгалари биринчи оиланинг тиккан кўрпачалари қийиндиларини йиғиб, бир-биридан чиройли қуроқ кўрпачалар яратиб, қизнинг сепини бутлашибди ва уни узатишибди. Вақт ўтиб, қизлар турмуши икки хил тус олибди. Ўртамиёна оила қизи яхши яшаб, серфарзанд, сердавлат бўлибди. Бадавлат оиланинг қизи эса бефарзандлиги сабаб турмуши бузилиб, ота уйига қайтиб келибди. Шунинг учун ҳам қорақалпоқларда қиз узатганда унинг сепига сердавлат, серфарзанд бўлсин, иккаласи қўша қарисин, турмушлари боқийликка курилсин, деган ниятда қуроқ кўрпача қўшиб бериш анъанасига айланган...

Қуроқнинг эски турлари ший қуроқдан ишланган кўрпача, қўшестиклар бўлса, хозирги вақтга келиб улар кўпгина буюмларда учрамоқда: кўрпача, кўрпа, қўшестик, ёстиқ, чимилдик ва ҳоказолар. Қуроқнинг турлари ҳам кўпайиб, қадимги ший қуроқдан ташқари қирқ тирноқ, бугирсоқ, pista дала, бантик, лолакизгалдоқ, бол арис уяси каби замонавий усуллари кенгайди. Уларнинг тикилиш техникаси ҳам турлича бўлиб, қадимдан фойдаланиб келинган. Аслида қуроқ тикиш жуда қийин иш эмас. Агар кунт қилсангиз сиз ҳам тика оласиз:

Ший қуроқ учун бутун матодан 5х9 см.ли, 5х6 см.ли, 3 см.ли бўлаклари қирқиб, аввал рангларидан шакл чиқариб, тахлаб оламиз ва бир чеккадан тикамиз.

Қирқ тирноқ қуроғи учун ҳар хил рангдаги матолардан 2,5 см ўлчамли узун ингичка мато қирқиб олинадилар. Тўрт чети бир хил 20 см.ли чит мато тўрт томони ҳам 10 см.ли мато марказига қўйилади ва четларига 2,5 см.ли матолар тикилиб, улаб борилади.

Бантик қуроғи учун эса тўрт томони ҳам 21 см.ли матонинг қирқиб оламиз, бошқа турдаги 21 см.ли матонинг ўртасидан қирқиб, бир четини тикамиз. Тикиб олинган мато учбурчак қилиб букланиб, тўрт бурчакли мато устидан чоқланади. Улар устидан 21 см.ли мато тўртга бўлиниб, тикиб чиқилади.

Бол арис уяси қуроғи учун эса қаттиқ қозғондан бол арис уяси шакли қирқиб олинадилар ва унинг асосида матолардан бўлакчалар қирқилади. Ҳар хил рангли бўлакчалар улаб тикилади.

Ҳар бир қуроқни улаб тикишда хунарманддан ўзига хос сабр, матонат, чеварлик, ижодий изланиш талаб қилинади. Улар гулларига мослаштириб тикилса, ажойиб қуроқ санъати асарини пайдо бўлади. Бундай чеварчилик хунари авлоддан-авлодга ўтиб, хозирги кунда маҳаллий халқ орасида ҳам бу удумлар давом этмоқда. Қизлар узатилганда қуроқлар бериб, миллийлигимизни асрларга улаб келмоқда.

Айнур Полат, музейшунос

(Уйбу қуроқ тикиш техникаси Нукус шаҳар Навоий кўчаси 106-хонаданда яшовчи хунарманд Илшай Исмаилова айтганлари асосида ёзилди).

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият
вазирлиги,
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир
Дилбоҳор Худойбердиева
Тахририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Напр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Риҳсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8544 Буюртма - Г - 227
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” наприёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида
чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш
вакти - 22.00
Топширилди - 22.00
1 2 3 4 5 6